

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2026 йил 12 март куни жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, суд раиси Ш.Турсуновнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Раббимовнинг котиблигида, Оқдарё туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Мустафакулов, судланувчи [REDACTED] ва унинг химоячиси “Samarqand Qonunchilari” адвокатлар ҳайъати адвокати М.Бойхўрозов ҳамда жабрланувчи [REDACTED] ларнинг иштирокида, [REDACTED] га нисбатан 1-1411-2601/59-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] куни Самарқанд вилояти Пайарик туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам Украина Давлатининг суд ҳукмига кўра судланган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 78-моддасига асосан судланганлик ҳолати тугалланган, ишсиз, Пайарик тумани “Қумчуқ” маҳалла фуқаролар йиғинида яшаган, иш бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2026 йил 18 февраль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED], бир гуруҳ бўлишиб, ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, [REDACTED] билан, олдиндан тил бириктириб, жинойий режа тузиб, фуқароларни Россия Федерациясида бўлиш қоидаларини бузганлик учун қўйилган таъқиқни ечиб беришга бирор-бир ваколати бўлмаса-да, ўзларининг жинойий мақсадларини амалга оширишлик учун 2025 йил март ойида Пайарик тумани “Хўча Исмоил” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро [REDACTED] га Россия Федерацияси Миграция бошқармаси томонидан Россия Федерациясида бўлиш қоидаларини бузганлик учун қўйилган таъқиқни ечиб беришни ваъда қилиб, унинг ишончига кириб, соддалигидан фойдаланиб, бунинг эвазига [REDACTED] дан Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 15 867 000 сўмга тенг бўлган 100 000 рубль пулларни фирибгарлик йўли билан



қўлга киритиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб ишлатиб юборган.

Судланувчи [REDACTED] айбига иқрорлик билдириб, 2005 йилдан бери Россия Федерациясига ишлаш мақсадида бор келишлигини, 2024 йил 22 декабрь куни Россия Федерациясига бориш учун ҳайдовчи излаганлигини, кейин у [REDACTED] га телефон қилиб, Россия Федерациясига боришини айтганлигини, шу вақти у соат 14:00 ларда йўлга чиқиб кетишларини айтганлигини, шундан сўнг, у Пайариқ тумани Челак шаҳарчасига бориб, [REDACTED] вни автомашинасига миниб, Россия Федерациясига бориш учун йўлга чиққанлигини, кейин улар кетаётган вақтларида [REDACTED] га уни Россия Федерациясига кириш учун таъқиқлари борлигини, мазур таъқиқни 100 000 рублга бекор қилдирганлигини айтганлигини, 2024 йил 25 декабрь куни у Россия Федерациясига кириб бориб, аввалдан бирга яшаб келаётган Н.Калашниковани яшаш хонадонига борганлигини ва у билан бирга яшашни бошлаганлигини, у Россия Федерациясида курилишда иш юритувчи бўлиб ишлаб келишлигини, 2025 йил февраль ойининг ўрталарида унга [REDACTED] телефон қилиб, уни таниш бир жияни борлигини, унга Россия Федерацияси киришга таъқиқ қўйилганлигини, таъқиқни бекор қилишни иложи борми деб сўраганлигини, кейин у унга ҳа бор таъқиқни ўзи бекор қилишини айтганлигини, шу вақти [REDACTED] “Телеграм” ижтимоий тармоқ орқали [REDACTED] ни паспортини расмини ташлаганлигини, кейин у телефони орқали [REDACTED] ни таъқиқи бор ёки йўқлигини кўрган вақтида унинг 2 йилга таъқиқи борлигини кўрганлигини, шундан сўнг у [REDACTED] га телефон қилиб [REDACTED] ни 2 йилга таъқиқи бор эканлигини, у ушбу таъқиқни 100 000 рубль эвазига бекор қилиб беришини айтганлигини, у [REDACTED] ни отаси З.Қўзибоевга ўғли 2 йил таъқиқ қўйилганлигини айтганлигини, ундан бошқа яна таъқиқи йўқми деб сўраганида у йўқ деб айтганлигини, кейин у [REDACTED] га “Watsapp” ижтимоий тармоқ орқали [REDACTED] тегишли бўлган [REDACTED] номерни ташлаганлигини, мазкур номерга [REDACTED] номига расмийлаштирилган “РНКБ Банк” ва “Т-банк” пластик карталар уланганлигини, Н [REDACTED] телефонидан кўп ҳолларда у фойдаланиб келаётганлиги сабабли, [REDACTED] номерга уланган “РНКБ Банк” ва “Т-банк” пластик карталардан ўзи фойдаланиб келганлигини, пул ўтказадиган илов [REDACTED] арни коддини ўзи билишлигини, 2025 йил 28 март куни соат 5:52 ларда Н [REDACTED] телефонида СМС хабар келганлигини, кейин у телефонни олиб, “РНКБ Банк” иловасига кириб қараса [REDACTED] 30 000 рубль ташлаганлигини, шу куни у мазкур 30 000 рублни туғилган кунини нишонлаш учун ишлатиб юборганлигини, 2025 йил 16 апрель куни соат 16:36ларда [REDACTED] телефонида СМС хабар келганлигини, “РНКБ Банк” иловасига кириб қараса [REDACTED] 34 500 рубль ташлаганлигини, у мазкур пулни ечиб олиб, ўзини қарзларига тўлаганлигини, 2025 йил 17 апрель куни соат 9:19ларда [REDACTED] телефонида СМС хабар келганлигини, “Т-Банк” иловасига кириб қараса [REDACTED] 31 500 рубль ташлаганлигини, кейин у [REDACTED] ни таъқиқини бекор қилиш учун 32 700 рублни тўлаганлигини, шундан сўнг у [REDACTED] га телефон қилиб, [REDACTED] вни таъқиқини бекор қилганлигини ва ўзи билан бирга олиб келишини айтганлигини, орадан бироз



вақт ўтгандан кейин [] унга телефон қилиб, [] ни чегарадан қайтарганлигини, уни таъқиқи борлигини айтганлигини, шундан сўнг у [] дан [] ни телефон рақамини олиб, [] га телефон қилиб, нима бўлганлигини сўраганида, уни чегарада турган ходимлар 35 йил таъқиқи борлигини айтганлигини, шу вақти у унга нимага шунини олдин айтмаганлигини сўраганлигини, у [] га [] ни Россия Федерациясига кириш учун қўйилган таъқиқини 100 000 рубль эвазига бекор қилиб беришини айтганлигини, лекин у Россия Федерациясида таъқиқни бекор қилиш бўйича бирор-бир ташкилотда ишламаслигини, у [] вга [] ни Россия Федерациясига кириш учун қўйилган таъқиқини 100 000 рубль эвазига ўзи ечиб бериши учун олганлигини, бу ишлардан [] хабари йўқлигини, чунки у уни телефон апаратини ва пластик карталарини ўзи фойдаланиб келганлигини, у [] ёшлигидан танишлигини, унга [] ни таъқиқини бекор қилиш бўйича айтмаганлигини, уни мазкур ҳолатдан хабари йўқлигини, у [] ни танимаслигини у билан 2024 йил 22 декабрь куни Россия Федерациясига кетаётган вақтида танишганлигини, уни [] ни таъқиқини бекор қилиш бўйича манфаатдорлиги йўқлигини, ушбу пулларни ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборганлигини, ҳозирда содир қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, яқин қариндоши томонидан жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи [] эълон қилинган айбловга тўлиқ иқдор бўлса-да, унинг айби суд мажлисида текширилган ва тўпланган қуйидаги далиллар билан ҳам ўз исботини тўлиқ топади:

Судланувчи [] нинг айби унинг ўз айбига иқдорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи [] нинг суддаги, у 2024 йил 10 июль куни у ишлаш мақсадида Россия Федерациясига борганлигини, аэропортдан тушиб ҳужжатлари текширилганида таъқиқи борлигини айтиб қайтариб юборишганлигини ва ўз юртига қайтиб келганлигини, 2025 йил март ойининг ўрталарида отаси [] унга таниши [] дан сени Россия Федерациясига боришинг учун таъқиқ бор ёки йўқлигини текшириб кўришини айтганида, 3 йил ўғли Россия Федерациясига бораолмаслигини, таъқиқ қўйилганлигини, “агар таъқиқни ечаман десаларингиз мени танишларим бор улар сизни ўғлингизни таъқиқини ечиб беради” деб айтганлигини, шундан сўнг у отаси [] билан биргаликда [] ни уйига борганлигини, кейин [] уларни олдиларида таниши [] билан телефонда гаплашиб, ҳозир таъқиқини ечиши керак бўлган [] ва уни отаси [] лар уни олдида турганлигини, мана ҳозир [] га телефонни беришини у билан ўзинг гаплашиб тушунтир деб айтганлигини, кейин [] отасига “ўғлингизни 3 йил таъқиқи бор экан, ушбу таъқиқни мен ечиб бераман” деб айтганлигини, кейин отаси [] га унга қандай ишонишини айтганида, у уларни ўрталарида [] турганлигини айтганлигини, шу вақти [] отасига қараб Зойир уни алдамаслигини чунки ўртада у турганлигини айтганлигини, [] ўғлини таъқиқини ечиш учун [] га 100 000



рубль беришини у [REDACTED] акадан пулларни олишини, ҳозир 30 фоизини беришини, қолганини эса Россия Федерациясига келганидан сўнг беришини отасига айтганлигини, 2025 йил 28 март куни унга [REDACTED] 2202 2063 3724 8517 рақамли пластик картани ташлаганлигини, у Россия Федерациясида ишлаётган амаки акаси [REDACTED] га ушбу карта рақамини ташлаб, унга 30 000 рубль ташлашини айтганлигини, [REDACTED] 30 000 рубль ташлаб, ташлаган чекини “телеграм” ижтимоий тармоғига ташлаб берганлигини, у ушбу чекни [REDACTED] га ташлаб берганлигини, 2025 йил 16 апрель куни [REDACTED] отасига уни таъқиқини очганлигини шу сабабдан яна 35 000 рубль ташлашини айтганлигини, у Оқдарё тумани “Дахбед” шаҳарчасида яна [REDACTED] га 35 000 рубль ташлаб берганлигини, 2025 йил 17 апрель куни у 7:00ларда [REDACTED] ни яшаш уйига борганлигини, у [REDACTED] вга тегишли бўлган “Лада Ларгус” русумли автомашинасида Россия Федерациясига бориш учун йўлга чиққанлигини, улар Оқдарё тумани “Дахбет” шаҳарчасига етган вақтида у [REDACTED] га яна 35 000 рублни автомашинасини ичида қўлига берганлигини, шу ва вақти [REDACTED] ундан пулларни олиб телефонига видеога олиб, мана Зокир 35 000 рублни олганлигини айтганлигини, шундан сўнг улар Қозоғистон давлати орқали Россия Федерацияси чегарасини олдига борганлигини, шу вақти [REDACTED] чегарадан ўтиб кетганлигини, чегара ходимлари уни хужжатларини текшириб таъқиқи борлигини ўтаолмаслигини айтганлигини, шундан сўнг у [REDACTED] га пуллари нима бўлишини сўраганида, “сен орқага қайтиб кетавер мен [REDACTED] дан пулларингни оламан” деб айтганлигини, у уйига қайтиб келганлигини, орадон бироз вақт [REDACTED] ан сўнг [REDACTED] дан отаси бир неча бор 100 000 рубль пулларини беришлигини сўраган вақтида, у ҳали [REDACTED] дан олаолмаётганлигини айтганлигини, бугунги кунда пулларни тўлиқ қайтариб олганлигини, унга нисбатан давоси йўқлигини, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-гувоҳ [REDACTED] нинг суддаги, 2024 йил ноябрь ойларида у [REDACTED] га телефон қилганлигини, Россия Федерациясига кетаётганлигини сўраганида, у кетмоқчи эканлигини у билан яна бир Бухоро вилоятидан таниши кетишлигини айтганлигини, у Пайариқ тумани “Челак” шаҳарчасига бориб [REDACTED] ва уни шеригини автомашинасига миндириб, Қозоғистон давлати орқали Россия Федерацияси чегарасига борганлигини, чегарада уларни хужжатларини текшираётган вақти [REDACTED] ни шеригини чегарадан ўтказмасдан қайтариб юборганлигини, у билан [REDACTED] Россия чегарасидан ўтиб Москва шаҳрига томон йўл олганлигини, йўлда кетишида [REDACTED] унга Россия Федерацияси томонидан таъқиқ қўйилганлигини жаримасини тўлаб ўтиб кетганлигини, Бухоролик таниши эса қайтиб кетганлигини, агар уни ҳам ишончли танишлари бўлса жаримасини тўласа таъқиқини ечиб беришини айтганлигини, шундан сўнг Москва шаҳрида жойлашган вокзалга бориб шу ерга [REDACTED] ни автомашинадан тушириб, кейин ўзининг ишлари бўйича кетганлигини, 2025 йил март ойларида у таниши [REDACTED] билан ўзаро гаплашганлигини, [REDACTED] нинг ўғли [REDACTED] ов Россия Федерациясига биринчи маротаба [REDACTED] шда Россия Федерацияси чегарасидан қайтиб келганлиги ва унга таъқиқни



ечадиган таниши борми деб сўраганлигини, у [REDACTED] га Россия Федерациясига кетаётган вақтида йўловчи сифатида кетаётган [REDACTED] унга таъқиқи борлигини жаримасини тўлаб таъқиқини ечганлигини айтганлигини, агар хохлаसा унга [REDACTED] ни телефон рақамини беришини ўзи гаплашиб олишини айтиб [REDACTED] га телефон рақамини берганлигини, орадан бир неча кун ўтиб [REDACTED] билан уни ўғли [REDACTED] лар уйига келиб [REDACTED] 100 000 рубль сўраётганлигини улар унга ташлаб бераолмаётганлигини айтганлигини, шундан сўнг ўғли Ш.Саидмуродов билан [REDACTED] ларни Оқдарё тумани “Даҳбед” шаҳарчасида жойлашган Пайнетга юборганлигини, орадан бироз вақт ўтиб улар пул ташлайолмасдан қайтиб келганлигини, эртаси куни З.Қўзибоев унга телефон қилиб карта рақамини ташлашини айтганлигини, у [REDACTED] рақамини ташлаб, ака ушбу телефон рақамига пластик картаси уланганлигини айтганлигини, 2025 йил 28 март куни З.Қўзибоевни укаси Лукмонжон Гофур ўғлидан 30 000 рубль уни пластик картасига тушганлигини, шу вақти у [REDACTED] ташлаган [REDACTED] рақамига уланган пластик картага 30 000 рубль ташлаганлигини, 2025 йил 16 апрель куни Оқдарё тумани “Даҳбед” шаҳарчасида таниши Василий Барисивичга [REDACTED] 35 000 рубль нақд кўринишида берганлигини, кейин Василий Барисивич уни пластик картасига ташлаб берганлигини, у яна [REDACTED] ташлаган [REDACTED] рақамига уланган пластик картага 34 500 рубль ташлаганлигини, 500 рубль эса пул ўтказганлик учун касса ҳақи олинганлигини, шундан сўнг у 2025 йил 16 апрель куни 12:00ларда [REDACTED] билан Россия Федерациясига бориш учун йўлга чиққанлигини, 2025 йил 17 апрель куни у Қозоғистон давлати чегарасига етган вақтида [REDACTED] телефон қилиб 35000 рублни ташлаб беришини айтганлигини, шу вақти унга [REDACTED] нақд кўринишида 35 000 рублни берганлигини, у телефонида видеога олиб [REDACTED] дан олган 35 000 рубль пулларни кўрсатиб Россия Федерациясига ўтайлик, кейин унга ташлаб юборишини айтганлигини, у “йўқ ака ҳозир ташлашингиз керак кейин кеч бўлади” деб айтганлигини, у [REDACTED] бобо бир иложини қилиб пулни ташлайлик деб айтганлигини, Россия Федерациясида ишлаётган Бурхонга телефон қилиб пластик картасига 35 000 рубль ташла деб айтганлигини, орадан бироз вақт ўтиб, у пластик картасига 35 000 рубль ташлаганлигини, кейин у 2025 йил 17 апрель куни [REDACTED] ташлаган [REDACTED] рақамига уланган пластик картага 31 500 рубль ва яна 3 500 рубль ташлаганлигини, 2025 йил 18 апрель куни улар Россия Федерацияси чегарасига борганлигини, у ерда чегара ходимлари уларни ҳужжатларини текшириб кўрганлигини, [REDACTED] ни таъқиқи борлигини айтиб уни чегарадан ўтказмасдан орқасига қайтариб юборганлигини, у [REDACTED] ни уйига бориши учун 12 000 козок тенгисини бериб, ўзи чегарадан ўтиб, Ўзбекистонга қайтаётган йўловчи автомашинага 4 000 рубль бериб, [REDACTED] ни турган жойини тушунтириб юборганлигини, у Россия давлатига бориб [REDACTED] орқали танишган А.Хамрақуловга телефон қилиб [REDACTED] Россия Федерацияси чегарасидан қайтиб кетганлигини, энди пулларни қайтаринглар деб айтганлигини, унга [REDACTED] ни “Watsab” ижтимоий тармоғидан [REDACTED] ни 2059 йилга қадар “департатсияси” бор эканлиги ҳужжатини ташлаганлигини, у А.Хамрақуловни таниши [REDACTED] орқали таниганлигини, у [REDACTED] билан “Watsab” ижтимоий



тармоғида [] ни таъқиқини ечилиши бўйича гаплашаётган вақтида А.Хамракулов ҳам [] га қўшилиб [] ни таъқиқини ечиб бераман деб айтганлигини, у [] га ўғлини таъқиқини ечиб беришини ёки бирор бир таниши орқали ечиб беришини айтмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

Судда тарафларнинг розилиги асосида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси тартибида, дастлабки терговдаги кўрсатуви ўқиб эшиттирилган гувоҳ 3.Кўзибоевнинг кўрсатуви;

-шунингдек, жиноят ишидаги дастлабки тергов ҳужжатлари, яъни [] нинг аризаси (и.в. 5); далилий ашё сифатида тақдим этилган дискни кўздан кечириш ҳақида баённома, фото сурат нусхаси ва диск (и.в 51-54) шахсни фотосуратдан таниб олиш тўғрисида баённомаси ва фтосурат нусхалари (и.в. 55-61), сўзлашувларни стенограмма қилиш ҳақида баённома (и.в 63-64), ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисида қарор (и.в 69) ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Суд, судланувчи [] нинг фирибгарлик, яъни бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгаларнинг мулкини қўлга киритишда ифодаланган ҳаракати тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [] нинг айбига иқдорлигини ва қилмишидан пушаймон эканлигини, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб эътироф этади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида кўрсатилган, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги;

8-моддасидаги, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги қонун нормаларига;

шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандидаги, “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга эриштирилган лозим”лиги, Қарорнинг 3-бандидаги, Жиноят кодекси



8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи [REDACTED]нинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини ҳамда содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилигини инобатга олиб, шунингдек, ЖК 168-моддасининг 5-қисмидаги, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги ҳақида кўрсатилган талабларга асосланиб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 2-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-модасига асосан, [REDACTED]нинг дастлабки қамоқда сақланган ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегиришни ҳамда унга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасига ўзгартириб, дарҳол суд залидан қамоқдан озод қилишни ва унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин бекор қилишни;

Оқдарё туман прокурорининг даъво аризасини қаноатлантиришни ва этап харажатлари билан боғлиқ 24 658 624 (йигирма тўрт миллион олти юз эллик саккиз минг олти юз йигирма тўрт) сўм пулларни [REDACTED]дан Самарқанд вилоят ИИБ фойдасига ундиришни;

ашёвий далил деб эътироф этилган [REDACTED] томонидан тақдим этилган бир дона диск ва уни кўздан кечириш баённомаси ҳамда [REDACTED] томонидан тақдим этилган бир дона диск, унинг стенограммаси ва пул ўтказмалари тўғрисидаги маълумотлар жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни;

Жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2025 йил 17 сентябрь кунидаги ажрими асосида [REDACTED]нинг почта-телеграф жўнатмалари (хатлар, телеграммалар, радиogrammалар, бандероллар, посилкалар, почта контейнерлари) хатлови ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозима топади.

Суд, юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 472-474,-476-моддаларига амал қилиб

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

[REDACTED] ([REDACTED])
Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

[REDACTED]га Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизи



миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан []нинг 2025 йил 16 октябрь кунидан 2026 йил 12 март кунига қадар қамоқда сақланган 147 (бир юз қирқ етти) кунни ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб ҳисоблаб тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан чегириб, 9 (тўққиз) ой 9 (тўққиз) кун ахлоқ тузатиш ишлари қолдирилсин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгилаб бериладиган жойларда ўталсин ва жазони ўташ муддати [] жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Пайариқ туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

[]га нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси муносиб ҳуқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасига ўзгартирилсин ва дарҳол суд залидан қамоқдан озод қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг []га нисбатан қўлланилган муносиб ҳуқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Оқдарё туман прокурорининг даъво аризаси қаноатлантирилсин ва этап харажатлари билан боғлиқ 24 658 624 (йигирма тўрт миллион олти юз эллик саккиз минг олти юз йигирма тўрт) сўм пул []дан Самарқанд вилоят ИИБ фойдасига ундирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган [] томонидан тақдим этилган бир дона диск ва уни кўздан кечириш баённомаси ҳамда [] томонидан тақдим этилган бир дона диск, унинг стенограммаси ва пул ўтказмалари тўғрисидаги маълумотлар жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2025 йил 17 сентябрь кундаги ажрими асосида []нинг почта-телеграф жўнатмалари (хатлар, телеграммалар, радиogrammалар, бандероллар, посилкалар, почта контейнерлари) хатлови ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга киргач ушбу судга кассация тартибида шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи, судья

(имзо)

Ш.Турсунов

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Ш.Турсунов

Ҳужжат имзоланган: Турсунов Шерзод Муслимонкулович, 16.03.2026

